

ЎЗБЕКИСТОНДА ESG ТАМОЙИЛИ АСОСИДА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИДА "ЯШИЛ" СУКУКНИНГ РОЛИ

Абдуллаев Равшан Вахидович,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси "Ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат туризми" кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори

Глобал барқарор ривожланиш дастурини амалга ошириш ва иқлим ўзгаришига қарши кураш катта молиявий ресурсларни талаб қилади. БМТ ҳисоб-китобларига кўра, ривожланаётган мамлакатларда Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) – SDG га эришиш учун йиллик молиялаштириш тақчиллиги тахминан 2,5 триллион АҚШ долларини ташкил этади.²⁹⁶ Бундай шароитда дунёда барқарор ривожланишга йўналтирилган янги молиявий воситалар, хусусан, БРМ облигациялари, "яшил" облигациялар, исломий молиялаштириш воситалари ва ҳоказолар пайдо бўлмоқда.

Ўзбекистон Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва халқаро инвестицияларни жалб этиш учун ESG (экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув) тамойилларини фаол жорий этмоқда. Банк сектори ва йирик корхоналар ESG ҳисоботларини ишлаб чиқиш яшил молиялаштириш ва экологик лойиҳаларга эътиборни оширмоқда. Бу жараён бизнеснинг шаффофлигини ва экологик масъулиятини кучайтиришга қаратилган. Маълумки, экологик мезонлар компаниянинг табиат муҳофизаси сифатидаги ролини қай даражада адо этаётганини ўрганади. Ижтимоий мезонлар унинг ходимлар, таъминотчилар, мижозлар ва умуман жамият билан муносабатларни қандай бошқаришини аниқлайди. Корпоратив бошқарув эса компания раҳбарияти, топ-менежерлар меҳнати учун ҳақ тўлаш, аудит, ички назорат ва акциядорлар ҳуқуқлари каби масалаларни ўз ичига олади.²⁹⁷

Мамлакатимизнинг иқлим ўзгаришларига нисбатан юқори заифлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳукумат томонидан "яшил" иқтисодиётга ўтиш вазифаси ислохотларнинг устувор йўналиши сифатида белгилаб берилди. 2019 йилда Ўзбекистон "Яшил" иқтисодиётга ўтиш миллий стратегиясини қабул қилди, шунингдек, 2030 йилга бориб иссиқхона газлари чиқиндиларини 2010 йилдаги даражадан 35 фоизга камайтириш бўйича ўз мажбуриятларини янгилади.²⁹⁸

²⁹⁶ Совет по исламским финансовым услугам. 2020. Отчет о стабильности отрасли исламских финансовых услуг.

Куала-Лумпур, Малайзия, июль.

²⁹⁷ Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес учун ESG ва RBC тизимини жорий этиш бўйича келишувларга эришилди. <https://gov.uz/uz/imv/news/view/133842>

²⁹⁸ Uzbekistan | UNDP Climate Promise <https://climatepromise.undp.org/what-we-do/where-we-work/uzbekistan>

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон ҳукумати “яшил” молиялаштириш механизмлари, жумладан “яшил” облигациялар ва сукукдан фойдаланишга алоҳида қизиқиш билдирмоқда. 2022-2023 йилларда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) ва бошқа ҳамкорлар кўмагида миллий яшил облигациялар тизимини ривожлантириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, мамлакат учун инновацион восита сифатида “яшил” сукук чиқариш имконияти ўрганилмоқда. Бу восита экологик лойиҳаларга йўналтирилган ички ва ташқи инвестиция манбаларини жалб қилиш имкониятига эга.²⁹⁹ Ушбу йўналишнинг аҳамияти мамлакат аҳолисининг аксарияти ислом динига эътиқод қилиши ва ўз диний қадриятларига мос келадиган ахлоқий инвестицияларга қизиқиши билан бевосита боғлиқ. Шундай қилиб, “яшил” сукук яшил иқтисодиёт мақсадлари ва жамиятнинг маданий-диний қадриятлари ўртасида ўзига хос “кўприк” вазифасини ўташи ҳамда барқарор ривожланишнинг миллий мақсадларига эришиш учун қўшимча маблағлар манбаи бўлиши мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда исломий молиялаштириш ўзининг дастлабки ривожланиш босқичида, деб баҳоланмоқда. Жаҳон банки маълумотларига кўра, ўзбекистонликларнинг қарийб 27 фоизи айнан диний сабабларга кўра банк хизматларидан фойдаланмайди. Аҳоли ва бизнеснинг бу қатлами амалда анъанавий молия тизимидан ташқарида қолмоқда, бу эса умумий молиявий инклюзивликни пасайтирмоқда. Ўзбекистонда сукук бозори инфратузилмасини яратиш бўйича дастлабки қадамлар қўйила бошланди. 2020 йил октябрь ойида Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан 2021 йилда инглиз ҳукуқи нормалари ва махсус солиқ имтиёзларини қўллаган ҳолда суверен сукукларни синов тариқасида чиқаришни назарда тутувчи Сукукни жорий этиш тўғрисидаги Президент фармони лойиҳаси эълон қилинди.³⁰⁰ 2022 йилда исломий қимматли қоғозларни тартибга солувчи бобларни ўз ичига олган “Капитал бозори тўғрисида”ги қонун лойиҳаси тайёрланди.

“Яшил” сукук “яшил” облигацияларнинг хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради. Бундай восита орқали жалб қилинган маблағлар фақат экологик фойда келтирадиган лойиҳаларга (чиқиндиларни камайтириш, энергия самарадорлиги, қайта тикланадиган энергия, чиқиндиларни бошқариш, “яшил” қурилиш ва бошқалар) йўналтирилади. БМТ Тараққиёт дастури таърифига кўра, “яшил сукук” - бу активлар билан таъминланган шариатга мос келадиган қимматли қоғозлар бўлиб, улардан олинган даромадлар яшил инфратузилмани (қайта тикланадиган энергия манбалари, чиқиндиларни бошқариш, барқарор қишлоқ хўжалиги, энергия тежамкор бинолар ва бошқалар) молиялаштириш учун ишлатилади. Улар оддий сукукдан фақат жалб қилинган маблағларнинг мақсадли

²⁹⁹ ПРООН. Предварительное технико-экономическое обоснование выпуска «зеленого» сукук в Республике Узбекистан. – Ташкент: ПРООН, 2021. – 105 с. (Pre-Feasibility Study for Green Sukuk Issuance in Uzbekistan).

³⁰⁰ Alif issues \$5 million sukuk to expand Islamic finance in Uzbekistan <https://www.muslimnetwork.tv/alif-issues-5-million-sukuk-to-expand-islamic-finance-in-uzbekistan>

йўналтирилиши ва лойиҳаларнинг экологик самарасини текшириш зарурати билан фарқланади.

“Яшил” сукук воситасининг жорий этилиши Ўзбекистонга бир қатор муҳим имкониятларни тақдим этади:

- Яшил лойиҳалар учун қўшимча маблағларни сафарбар қилиш. “Яшил” сукук Форс кўрфази мамлакатлари, Жануби-Шарқий Осиё ва исломий молия маҳсулотларига қизиқиши юқори бўлган бошқа ҳудудлардаги инвесторларнинг маблағларини жалб қилиш имконини беради.

- Молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш ва молия бозорини ривожлантириш. Сукукнинг пайдо бўлиши Ўзбекистон капитал бозорини анъанавий облигацияларни тўлдирувчи янги восита билан бойитади. Бу ҳукуматнинг ички молия бозорини ривожлантириш, банк кредитлари ва ташқи қарзларга қарамликни камаййтириш стратегиясига мос келади.

- Ижтимоий-иқтисодий самара ва аҳоли кадриятларига мувофиқлик. Аҳолининг 90 фоизидан ортиғи мусулмонлар бўлгани сабабли, ислом тамойилларига асосланган воситаларнинг чиқарилиши молиявий инклюзивликни оширишга кўмаклашади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, “яшил” сукук Ўзбекистоннинг ESG тамойиллари асосида яшил трансформациясини молиялаштиришда муҳим роль ўйнайди. Мамлакат қайта тикланадиган энергетика, экологик инфратузилмани ривожлантириш ва иқлим ўзгаришига мослашиш учун катта маблағларни жалб қилиши керак бўлган шароитда инновацион молиявий воситалардан фойдаланиш долзарб эҳтиёжга айланмоқда.

Мутасадди ташкилотлар ва соҳа мутахассислари томонидан “яшил” сукук Ўзбекистонда яшил трансформациянинг катализатори - иқтисодий ўсиш, экологик барқарорлик ва ижтимоий-маданий кадриятларни бирлаштирувчи молиявий воситага айланиши мумкинлиги ҳамда унинг жорий этилиши мамлакатда стратегик вазифаларни ҳал қилиш учун ички ва ташқи ресурсларни сафарбар қилиш имконини беришига қатъий ишонч билдирилмоқда. Тавсиялар тўғри амалга оширилган тақдирда, Ўзбекистон ушбу инновацион механизмни муваффақиятли ўзлаштириш ва унинг салоҳиятидан ҳозирги ва келажак авлодлар фаровонлиги йўлида фойдаланиш учун барча имкониятларга эга бўлади.

Адабиётлар:

1. Совет по исламским финансовым услугам. 2020. Отчет о стабильности отрасли исламских финансовых услуг. Куала-Лумпур, Малайзия, июль.

2. Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес учун ESG ва RBC тизимини жорий этиш бўйича келишувларга эришилди.

<https://gov.uz/uz/imv/news/view/133842>

3. Uzbekistan | UNDP Climate Promise <https://climatepromise.undp.org/what-we-do/where-we-work/uzbekistan>

4. ПРООН. Предварительное технико-экономическое обоснование выпуска «зеленого» сукук в Республике Узбекистан. – Ташкент: ПРООН, 2021. – 105 с. (Pre-Feasibility Study for Green Sukuk Issuance in Uzbekistan).

5. Alif issues \$5 million sukuk to expand Islamic finance in Uzbekistan <https://www.muslimnetwork.tv/alif-issues-5-million-sukuk-to-expand-islamic-finance-in-uzbekistan>

6. Asadov A. Empirical Analysis of Demand for Sukuk in Uzbekistan // Economies – 2024. – Vol. 12, No. 8. – P. 220. DOI: 0.3390/economies12080220.

7. Агентство по развитию рынка капитала РУз. Проект Указа Президента «О мерах по внедрению ценных бумаг на принципах исламского финансирования» (пилотный проект выпуска сукук). – 2020. – (Опубл. на новостном портале Kup.uz 12.10.2020). – Режим доступа: kup.uz (дата обращения: 20.04.2025).

8. Securities Commission Malaysia; World Bank. Islamic Green Finance: Development, Ecosystem and Prospects. – Kuala Lumpur/Washington DC: World Bank Group, 2019. – 69 p. (Исламское «зеленое» финансирование – развитие, экосистема и перспективы).

GLOBAL SUKUK BOZORI DINAMIKASI VA TARKIBIY O'ZGARISHLAR

DSc, dots. **S.Abrorov**

“O‘zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirishning ilmiy asoslari va muammolari” ITM,
O‘zbekiston xalqaro islomshunoslik akademiyasi

2024-yilda global sukuk bozori nisbatan murakkab va o‘zgaruvchan makroiqtisodiy sharoitlarga qaramay barqarorlikni namoyon etdi hamda yil yakunida jami 205,1 mlrd. AQSh dollari miqdorida emissiya hajmiga erishdi. Ushbu ko‘rsatkich 2023-yilda qayd etilgan 212,0 mlrd. AQSh dollariga nisbatan biroz past bo‘lsa-da, pasayish sur‘ati keskin emasligi va bozorning umumiy sig‘imi yuqori darajada saqlanib qolgani uning institutsional mustahkamligini tasdiqlaydi. Mazkur dinamikani tahlil qilish shuni ko‘rsatadiki, sukuk bozori ichki va xalqaro talabning uyg‘unlashuvi, emitentlar tarkibining diversifikatsiyalashuvi hamda suveren emitentlarning faol ishtiroki hisobiga qo‘llab-quvvatlangan. Investorlar tomonidan yuqori qiziqish saqlanib qolgani, ayrim emissiyalarning ortiqcha obuna bilan joylashtirilgani esa likvidlik darajasi va bozorga bo‘lgan ishonchning yuqoriligidan dalolat beradi.

Xalqaro sukuk emissiyalari 2024-yilda sezilarli darajada mustahkamlandi va 65,6 mlrd. AQSh dollariga yetdi (2023-yilda 52,7 mlrd. AQSh dollari edi). Ushbu o‘shish global moliyaviy sharoitlarning nisbatan yumshashi, foiz stavkalarining barqarorlashuvi va moliyalashtirish xarajatlarining kamayishi bilan izohlanadi.